TOSHKENT DAVLAT
SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI

# KOMMUNIKATIV TILSHUNOSLIK VA TIL KOMPETENSIYALARI

## O'QUV-USLUBIY MAJMUA

BOSH ILMIY-METODIK
MARKAZ

2021



TOSHKENT

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ**
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**
**ТИЛ, ТАРЖИМА ВА КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

**Филология ва тилларни ўқитиш: (Хитой тили) тингливочилари учун**
**Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари**

**МОДУЛИНИНГ**

**Ўқув-услубий мажмуа**



**Тошкент-2020**

**Модулнинг ишчи дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2020 йил _________даги ______-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчилар: Phd, доц. С.Назарова, Б. Ғиёсов**

**Тақризчилар: п.ф.д., проф. Л.Т.Ахмедова, ф.ф.н., доц. Ж. Зиямухамедов**

**Ўқув услубий мажмуа ТДШУ Илмий Кенгашининг 2020 йил _____даги ___- сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.**

**МУНДАРИЖА**

**I. Ишчи дастур........................................................................**

**II. Модулни ўқитишда фойдаланилган интерфаол таълим методлари ............................................................................**

**III. Назарий материаллар...............................................................**

**IV. Амалий машғулотлар материаллари.......................................**

**V. Кейслар банки..........................................................................**

**VI. Глоссарий..................................................................................**

**..**

**VII. Адабиётлар рўйхати...................................................................**

## I.Ишчи дастур

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон, 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4680-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

“Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари” модули

ўқитилиши жараёнида эгалланадиган билим, малака ва кўникмалар ихтисослик фанлар блокига кирадиган фанлар билан интеграллашуви натижасида тингловчиларнинг чет тили коммуникатив компетенцияларини (лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий-маданий) ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, чунки филологнинг касбий компетенцияси назарий фанлар ва асосий чет тили фани ўқитиш мажмуида шаклланади.

Ушбу дастур мазкур курснинг коммуникатив тилшунослик, лингвопрагматика, когнитив тилшунослик, коммуникатив тилшунослик лингвокультурология, назарий грамматика, назарий фонетика каби тилшуносликнинг фундаментал йўналишларини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Ушбу замонавий йўналишлари нуқтаи назаридан, матн – кўп поғонали, мураккаб характерга эга тил бирлиги, мулоқотнинг асосий бирлиги ва ижтимоий таъсир этиш асбоби сифатида талқин этилади. Матн лингвистикасида тил ва маданият муносабатлари муҳим аҳамият касб этса, назарий грамматика эса тилнинг тузилиши ва универсалияларини когнитив, прагматик жиҳатдан талқин қилади. Бунда ижтимоий-маданий омил ва миллий дунё тасвири алоҳида ўрин эгаллайди, чунки маданий контекстни назарда тутмаган ҳолда матн моҳиятини мукаммал тушуниб бўлмайди, баъзи ҳолларда эса бунинг иложи ҳам бўлмайди.

Ушбу мажмуа янги педагогик техногогиялар ва тилшуносликнинг замонавий йўналишлари асосида тубдан янгиланишни илгари суради ҳамда тингловчиларнинг таълим бериш сифатини кўтариш мақсадида дастурда турли эффектив ва замонавий педагогик технологиялар ишлатилган.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

**Фанни ўқитишдан мақсад** – тингловчиларда коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модулининг методологик тамойиллари, асосий тушунча ва тамойиллари бўйича мутахассислик профилига мос билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва

такомиллаштириш, ҳамда тингловчиларда матн билан ишлаш малакаларини шакллантириш ва матнни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиришдир.

Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модулининг **асосий вазифалари** қуйидагилар:

- коммуникатив тилшунослик тушунчаси бўйича таянч назарий ва амалий билимларни шакллантириш;
- коммуникатив компетенция тамойилларини билиш;
- коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари бўйича тингловчиларнинг кўникмаларини янада такомиллаштириш;
- CEFR ва унинг доирасида 4 компетенция: лингвистик, социолингвистик, дискурсив ва стратегик компетенциялар;
- хорижий тилларни умумевропа ҳамда миллий стандартлар талаблари асосида ўқитишнинг лингвистик аспектлари модули бўйича фойдаланиладиган анъанавий ва замонавий таҳлил методлари асосида лисоний ва маданий тузилмаларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш ва таҳлил ўтказиш кўникмаларини шакллантириш;
- хорижий тилларни умумевропа ҳамда миллий стандартлар талаблари асосида ўқитишнинг лингвистик аспектлари бўйича турли билимлар тузилмалари ва ахборотнинг акс эттирилиши йўлларини ўрганишга қаратилган когнитив методларни амалда қўллай олишни ўргатиш;
- хорижий тилларни умумевропа ҳамда миллий стандартлар талаблари асосида ўқитишнинг лингвистик аспектлари таркибида ётган концептуал аҳамиятга эга ахборотни, муаллиф интенцияларини (мақсад) тадқиқот асосида очиб бериш.

Хорижий тилларни умумевропа ҳамда миллий стандартлар талаблари асосида фонетик ва грамматик ҳодисалар, лингвистик атамалар, коммуникатив интенция (мақсад), коммуникация билан боғлиқ шарт-шароитлар, прагматик эффект ва коммуникация эффективлиги, прагматик, мақсадлар каби тушунчаларни ўрганиш.

Хорижий тилларни умумевропа ҳамда миллий стандартлар талаблари асосида ўқитишнинг лингвистик аспектлари модулининг мазмунини ташкил этувчи фонетик, грамматик белгилар, сўз ва унинг семантикаси, тузилиши, маъно ўзгаришларига когнитив ёндашув, лисоний ва концептуал дунёқараш, фрейм, концепт, билимлар тузилмаси, когнитив модель, концептуаллаштириш ва категориялаштириш каби тушунчаларни ёритишни назарда тутади.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенциясига қўйиладиган талаблар**

Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модули бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- коммуникатив тилшунослик тушунчасини;
- коммуникатив компетенция тамойилларини;
- CEFR ва унинг доирасида 4 компетенция: лингвистик, социолингвистик, дискурсив ва стратегик компетенцияларни;
- сўзлашув орқали коммуникатив компетенцияни ўргатишни;
- тинглаш орқали коммуникатив компетенцияни ўргатишни;
- ёзиш орқали коммуникатив компетенцияни ўргатишни;
- ўқиш орқали коммуникатив компетенцияни ўргатишни;
- коммуникатив грамматика ва коммуникатив лексикани;
- концептларини интерпретация қилиш ва ўқитишни;
- хорижий тилларни умумевропа ҳамда миллий стандартлар талаблари асосида ўқитишнинг лингвистик аспектларининг маданий концептлар, лингвокультурема, маънонинг маданият билан боғлик бўлаги, маданий муҳим ахборот, лингвокультурологик майдон (поле), лингвокультурологик ҳолат, миллий дунё тасвири ҳақидаги ***билимларга*** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модулининг асосий йўналишлари ва категорияларини англаш;
- коммуникатив тилшунослик модулининг методологик принциплари тамойиллари ва ёндашувларини фарқлаш;
- коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модулининг терминологик аппарати, қонуниятлари ва асосий тушунчаларини амалий жиҳатдан қўллаш;
- сўз ва унинг семантикаси, тузилиши, матн категориялари, фонетик ва фонологик назариялар: информативлик, модаллик категориялари, матн яхлитлиги ва тугалланганлиги категориялари, матнда ўрин-пайт категорияларини ўзаро фарқлаш;
- коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модули бўйича назарий мавзуларни ва эгалланган ахборотни амалиётда қўллаш **малакаларини эгаллаши** зарур;

**Тингловчи:**

- мавзуларни таҳлил методларини (лингвистик шарҳлаш, суперлинеар таҳлил методи, семантик, стилистик, концептуал таҳлил, сўз ва матн таҳлилининг статистик, инференция методи, матн таҳлилининг статистик методлари) билиш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш;
- модул бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш, хулосалар бериш, умумлаштириш ҳамда тадқиқотлар олиб бориш;
- модул бўйича орттирилган малакаларни ўз илмий тадқиқот амалиётида қўллаш ***компетенцияларига*** эга бўлиши лозим.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модули Чет тил ўқитишдаги замонавий методлар, тил компетенцияларини баҳолаш механизмлари, тилшуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли каби тилшуносликнинг йўналишлари билан ўзаро боғлиқ.

Мазкур модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади.

Хусусан, интерфаол методларнинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилади:

- гуруҳли музокаралар (group discussions);
- жамоа лойиҳалари (project work);
- жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш (pair work);
- якка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш (individual presentation);
- давра суҳбатлари ўтказиш (round-table discussion);
- инсерт техникаси (Insert technique);
- пинборд техникаси (Pinboard);
- кейс- стади (case-study);
- ақлий ҳужум методи (brainstorming).

Шунингдек, фанни ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан ҳам кенг фойдаланилади, жумладан:

- мультимедиа ёрдамида машғулотлар ташкил этиш,
- Power Point дастури ёрдамида презентациялар ташкил қилиш, компьютерда тестлар ўтказиш.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Хорижий тилларни умумевропа ҳамда миллий стандартлар талаблари асосида ўқитишнинг лингвистик аспектлари ўқув модули яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Аудитория ўқув юкламаси | | |
|---|---|---|---|---|
| | | жами | жумладан | |
| | | | Назарий | Амалий машғулот |
| 1. | CEFR даражалари учун тил ўқитиш тамойиллари. Коммуникатив компетенция тушунчаси | 4 | 2 | 2 |
| 2. | Коммуникатив ёндашувда тил ўқитиш. Коммуникатив компетенция тамойиллари | 4 | 2 | 2 |
| 3. | Лингвистик компетенция | 2 | 2 | |
| 4. | Прагматик компетенция | 2 | | 2 |
| 5. | Социолингвистик компетенция | 4 | | 4 |
| 6 | Стратегик компетенция | 2 | | 2 |
| | **Жами:** | **18** | **6** | **12** |

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-2 мавзу. CEFR даражалари учун тил ўқитиш тамойиллари. Коммуникатив компетенция тамойиллари

Мулоқот маҳорати тамойиллари (Beresova, J., Celce-Murcia, M. & Olshtain, E., Coupland, N., & Jaworski, A., Grice H.P, Matthews, P.H., Richards, C., & Rodgers T. S., Wardhaugh, R.). Таянч тушунчалар: CEFR, коммуникатив компетенция, лингвистик / грамматик компетенция, социолингвистик компетецния, прагматик компетенция / дискурсив компетенция,ва стратегик

компетенция. Мулоқот маҳорати, тил/грамматика аспектлари, социолингвистик маҳорат, прагматик маҳорат, стратегик маҳорат.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

**3-4-мавзу. Коммуникатив ёндашувда тил ўқитиш. Коммуникатив компетенция тамойиллари**

Тил маҳорати (компетенцияси). (Celce-Murcia, M., & Larsen-Freeman, D., Celce-Murcia, M. & Olshtain, E., Chomsky, N., Croft W, Halliday, M. A. K Halliday, M. A. K. & Hasan, R., Langacker, R. W., Levinson, S., Saussure, F.) Таянч тушунчалар: Структурал лингвистика, овозли тасвир, ақлий тасвир, лингвистик компетенция, шакл, мазмун.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *муаммоли таълим, кластер, диаграмма, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

**5-мавзу. Лингвистик компетенция**

Лингвистик компетенция (Celce-Murcia, M. & Olshtain, E., Grice, H.P., Hymes, D., Yule, G.). Таянч тушунчалар: Лингвистик компетенция, кооператив тамойил, сифат тамойили, миқдор тамойили.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, БББИ, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

**6-мавзу. Прагматик компетенция**

Прагматик компетенция (Celce-Murcia, M. & Olshtain, E., Grice, H.P., Hymes, D., Yule, G.). Таянч тушунчалар: Прагматик компетенция, кооператив тамойил, сифат тамойили, миқдор тамойили.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, БББИ, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

**7-8 мавзу. Социолингвистик компетенция**

Социолингвистик компетенция. (Austin, J., Bowen, M., & Hoking, L.,

Celce-Murcia, M., & Olshtain, E., Coupland, N., & Jaworski A., Duff, P. A., Hymes, D., Janks, H., Lakoff, G., & Johnson, M., Lakoff, G., McGroarty, E.M., Kasper, G. & Omori, M., Searle, J., Street, B. & Leung, C., Wardhaugh, R., Xan, S., Jurayev, L., & Inogamova, K.) Таянч тушунчалар: Социолингвистик компетенция, идеология, маданиятга оид метафоралар.

Қўлланиладиган таълим технологиялари**:** *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, мунозара, кейс, ўз-ўзини назорат*

**9-мавзу. Стратегик компетенция**

Стратегик компетенция. (Celce-Murcia, M., Dornyei, Z. & Thurrell, S., Canale, M., & Swain, M., Dornyei, Z. & Thurrell, S) Таянч тушунчалар: Стратегик маҳорат, ноқулай вазият, тузатиш стратегияси, қисқартириш стратегияси.

Қўлланиладиган таълим технологиялари *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, кейс, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

**Ўқитиш шакллари**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган саволларга ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«**КЕЙС-СТАДИ**» методи. «Кейс-стади» – инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ѐки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).



**«Кейс методи»ни амалга ошириш босқичлари**

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|---|
| **1-босқич:** Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | * якка тартибдаги аудио-визуал иш;<br>* кейс билан танишиш(матнли, аудио ѐки медиа шаклда);<br>* ахборотни умумлаштириш;<br>* ахборот таҳлили;<br>* муаммоларни аниқлаш |
| **2-босқич:** Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш | * индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>* муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;<br>* асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| **3-босқич:** Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш | * индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>* муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;<br>* ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;<br>* муқобил ечимларни танлаш |
| **4-босқич:** Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот | * якка ва гуруҳда ишлаш;<br>* муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;<br>* ижодий-лойиҳа тақдимотини тайѐрлаш;<br>* якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ѐритиш |

**Кейс**. Талабаларга аудиторияда мустақил иш бажариш топширилди. Талабалар мустақил ишни бажараѐтганлирида битта талаба бошқа талабаларга халақит бериб, барчанинг диққатини чалғита бошлади.

## Сизнинг ҳаракатингиз....

| Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар |
|---|
| * кейсдаги муаммоли вазиятни юзага келтирган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда); |
| * мобил иловани ишга тушириш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфт-жуфт бўлиб ишлаш) |

## «ФСМУ» методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур методдан маъруза машғулотларида, ўтилган мавзуни мустаҳкамлашда, ўтилган мавзу юзасидан саволларга жавоб олишди, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Методни амалга ошириш тартиби**: иштирокчиларга мавзуга оид якуний хулоса ѐки ғоя таклиф этилади; ҳар бир иштирокчига ФСМУ методи босқичлари ѐзилган қоғозлар тарқатилади: иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ѐки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

| | |
|---|---|
| **Ф** | фикрингизни баѐн этинг |
| **С** | фикрингиз баѐнига сабаб кўрсатинг |
| **М** | кўрсатган сабабингизни мисоллар орқали далилланг |
| **У** | фикрингизни умумлаштиринг |

**ФСМУ** таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**«ВЕНН ДИАГРАММАСИ» методи**




**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштирилади ва уларга кўриб чиқилаѐтган тушунча ѐки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ѐки акси) доиралар ичига ѐзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаѐтган муаммо ѐҳуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ѐки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ѐзадилар.

## «БЛИЦ-ЎЙИН» методи

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайѐрланган топшириқ, яъни тарқатма материаллар алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги ―якка баҳо колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларни уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини ―гуруҳ баҳоси‖ бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади ва талабалардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ѐзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ѐзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади

8. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларни уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини –гуруҳ баҳоси‖ бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

9. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади ва талабалардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ѐзиш сўралади.

10.«Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

11. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ѐзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

12. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

13. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.



## «ХУЛОСАЛАШ» (РЕЗЮМЕ, ВЕЕР) методи

**Методнинг мақсади**: Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади.

Жумладан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади.

Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда талабаларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ѐзма ва оғзаки шаклда тизимли баѐн этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

«Хулосалаш» методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва 15 семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

**Намуна:**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| **афзаллиги** | **камчилиги** | **афзаллиги** | **камчилиги** | **афзаллиги** | **камчилиги** |
| | | | | | |
| | | | | | |

## III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### 1- Мавзу. CEFR даражалари учун тил ўқитиш тамойиллари.

***Калит сўзлар：****CEFR，C1，Rosetta Stone，B2*

Тил кўникмалари интеграцияси CEFR меъёри бўйича тил ўрганишнинг тўрт кўникмаси: ўқиш ва ёзиш, сўзлашиш, тинглаб тушуниш бўйича кўникмаларни интеграллашган ҳолда ривожлантиришга хизмат қилади, шунингдек, оғзаки нутқ амалиётига алоҳида урғу берилади. Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўқитиш, ўрганиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR) бўйича чет тилларини босқичма-босқич C1 даражасига етказиб, амалда қўллаш хорижий тилни ўрганишдаги юқори босқич ҳисобланади. CEFR даражалари тилнинг оғзаки ва ёзма шаклларини интеграллашган ҳолда ўргатиш, уларнинг турли контекстлардаги мулоқот малакаларини ривожлантириш, хусусан, ўрганилаётган чет тили кўникмалари тўғрисидаги амалий ва назарий билимларини такомиллаштириш ҳамда эгалланган билим, кўникма, малакаларини касбий фаолиятда эркин қўллай олишни талаб қилади.

Бугунги кунда яратилаётган ҳар бир педагогик дастурий восита ана шу мақсадни бекаму кўст амалга оширишни таъминлаб бериши лозим. Акс ҳолда, яратилган замонавий педагогик дастурий восита кўлами ва даражасидан қатъи назар ўз самарасини бериши қийин. Бу каби талабдан келиб чиқиб яратилаётган дастурий воситалар компьютер, планшет ҳатто мобиль воситалар учун мослаштириб яратилмоқдаки, бу ҳолат ҳар қандай шароит ва ҳар қандай ҳолатда раҳбар кадр учун самарали таълим олишга шароит яратиш, қолаверса, бошқарув жараёнида мазмундан келиб чиққан ҳолда оптимал қарор чиқаришни таъминламоқда.

Таҳлилга тортмоқчи бўлган илк педагогик дастурий воситамиз – Rosetta Stone дастурий таъминотидир. Мазкур педагогик дастурий восита

30 дан ортиқ хорижий тилларни ўргатишга мўлжалланган бўлиб, CEFR нинг ўқиш, тинглаб тушуниш, грамматик машқ бажариш каби даражалари бўйича кўникмаларни шакллантиришга қаратилган. Унинг мавзу кўлами ва машқлар тўплами кенг.

Rosetta STONE педагогик дастурий воситасининг бошқа дарслик ва қўлланмалардан фарқи шундаки, грамматик қоидаларни фақат машқлар орқали ўрганилаётган чет тилида тушунтириб беради.

Бундан ташқари, машқлар орқали грамматик қоидаларнинг ўрганилишига ёрдам беради.

Унда сўз бойлигини оширишга қаратилган қатор машқлар мавжудки, бу талабларда B2 даражасигача бўлган сўзликлар ўз ифодасини топган. Бу ерда асосий муаммо − улардан гапириш кўникмасини шакллллантиришда унумли ва самарали фойдаланиш заруратининг мавжудлигидир. Шуни инобатга олиб, дастур тузувчилар ибора ва кундалик ҳаётда ишлатилувчи сўз бирикмаларини ҳам келтирганлар. Қолаверса, эшитиш кўникмаси учун қатор овозли машқлар келтирилган бўлиб, бу ҳам ўрганилаётган тилнинг товуш имкониятларини, фонетик қурилмаси, морфологик тузилмаси борасида тасаввурга эга бўлишга туртки бўлади.

## 2- Мавзу. Коммуникатив компетенция тушунчаси

Компетентлик тушунчаси деганда, маълум бир соҳада талаба (масалан, бўлажак ўқитувчи) томонидан эгалланган компетенция, яъни маълум бир сифатларнинг тўлиқ шаклланган мажмуи тушунилади (2, 55). Компетентлилик тушунчаси (лотинчадан competenlia, compete сўзидан олинган бўлиб — “биргаликда эришаман, қозонаман, мос келаман, тўғри келаман” деган маънони билдиради) луғатларда эса “нимадир тўғрисида фикр юритишга йўл берадиган билимларга эга бўлиш”, “хабардор бўлмоқ, ҳуқуқли бўлмоқ” деган маънони билдиради.

Амалда барча луғат тузувчилар “компетентлик” ва “компетенция”

категорияларини чегаралаб қўяди.

Компетентлик таърифи ўхшаш ва бир-бирини ўрнини эгаллайди (тўлдиради), шу билан бир вақтда компетенция сўзи учун ягона изоҳлаш йўқ, бу тушунча “ваколатлар йиғиндиси (ҳуқуқ ва мажбуриятлар) қандайдир орган ёки лавозимли шахснинг қонун, низомлар билан белгилаб қўйилган ушбу орган ёки бошқа ҳолатлар”, “ниманидир тўғрисида фикр юритишга йўл берадиган билимларга эга бўлиш (эгалик қилиш)”, “кимдир яхши хабардор бўлган саволлар тўплами (соҳаси)” тушунилади

Компетентлик тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган.

1. Ижтимоий компетентлик — ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

2. Махсус компетентлик — касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади.

3. Шахсий компетентлик — изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

4. Технологик компетентлик — касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

## 3- Мавзу. Коммуникатив ёндашувда тил ўқитиш

Ҳар бир курс учун ажратилган ўқув соатлари тенг, яъни 50%дан тақсимланади. Курслар бир-биридан мавзуси, лексик тизими, ўқув матнлари, нутқ фаолиятлари хусусияти ва мавқеига қараб малакаларни ривожлантириш бўйича фарқлансада, ўқув жараёни учун умумий бўлган грамматик мавзулар, ўхшаш синтактик ҳодисалар, нутқ кўникма ва малакаларини эгаллашда ўзаро узвий боғлиқ ва узлуксиз ҳолда ўргатилади. Чет тилини ўргатиш ихтисослик хусусиятларидан келиб чиқиб, “Чет тили махсус мақсадлар учун” тамойилларига ва коммуникатив, интегратив компетентлик ёндашувларига асосланади.

Коммуникатив фаолиятга йўналтирилган ёндашув - таълимнинг ривожлантирувчи, функционал ва коммуникатив хусусиятларига эга бўлиб, таълим жараёнида билиш фаоллигини оширишга кўмаклашади. Таълим жараёнида мазкур ёндашув талабаларда рефлексия, ўз-ўзини ривожлантириш, намоён этишга кўмаклашади; чет тили таълимини маданиятлараро мулоқот сифатида ташкил этишга; дарс жараёнида ўқитувчи талабаларнинг ўзаро тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида ўзини намоён этишларини таъминлайди; таълимнинг интерактив шаклларини қўллаш; талабаларда янги тил малакалари ривожлантириш.

Шахсга йўналтирилган ёндашув - чет тилини ўқитишда нафақат илмий билимлар бериш, балки таълим жараёнининг иштирокчилари (талабалар, ўқитувчилар, ота-оналар) муносабатларининг фаол шаклларига асосланиш; талаба характери ва унинг ўзини ривожлантириш усулларини ўрганиш; индивидуалликни шакллантириш учун талабага қулай шарт-шароитлар яратиш; маданиятимизда шаклланган шахснинг психик ривожлантириш меъёрлари ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириш (горизантал эмас, балки вертикал, яъни талаба ривожланиш динамикасини унинг олдинги ҳолати билан таққослаш орқали амалга оширишни, бошқалар билан эмас, балки уни ўзи билан таққослаш).

# IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

## 1. Мавзу. CEFR даражалари учун тил ўқитиш тамойиллари. Коммуникатив компетенция тушунчаси

CEFR – Умумевропа талаблари асосида чет тилларни ўрганиш босқичлари

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида чет тилларни эгаллашга қўйилган талаблар:

умумий ўрта таълим: бошланғич синф - A1 , 5-9 синф битирувчилари - A2;

ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими: чет тилларига ихтисослашмаган академик

лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари - B1;

олий таълим: олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган

факультетлар бакалавриат, магистратура шунингдек, мутахассислиги чет тили бўлган факультетлар бакалавриат босқичи битирувчилари - 2-чет тили босқичи битирувчилари - B2;

олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факультетлар бакалавриат ва магистратура босқичи битирувчилари - C1.

Чет тили дарси тавсифи ва технологияси: дарсда тил муҳитини яратиш, дарснинг тарбиявий имкониятлари, дарс мақсадининг хусусияти, чет тили дарсининг мазмундорлиги. Дарснинг мақсад, вазифаларини белгилаш ва тилга оид ва нутқий материал тайёрлаш. Чет тили дарси тузилиши ва уни ташкиллаштириш. Чет тили дарсида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги шакллари. Мавзуий режа. Бир соатли дарсни режалаштириш.

Ўзбекистон Республикасининг барха таълим турларида чет тилини ўқитишдан мақсад таълим олувчиларнинг мульти-маданиятли дунёда маиший, илмий ва касбий соҳаларда фаолият юритиши учун коммуникатив

компетенцияни (унинг таркибий қисмлари ҳисобланувчи лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий-маданий, ва ўқув-билиш компетенциялари асосида) шакллантиришдан иборат.

